## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЗАРУР

Биз узоқ вақт, айниқса, шўролар даврида фақат ҳосил ундиришни ўйладик. Тупроқнинг аҳволи билан қизиқмадик. Оқибатда ерларимизнинг экологияси шунчалик даражада бузилдики, тупроқ унумдорлигини ҳеч бир хусусий мулк эгаси давлат ёрдамисиз қайта тиклай олмайди. Бундай ўта оғир, мураккаб вазифани фақатгина бақувват давлат ёрдамидагина амалга ошириш мумкин.

«Ер кодекси» лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, ер давлат мулки, давлат эса бош ислоҳотчи бўлиши ҳозирги ва келгуси авлодларимизнинг бахт-саодати демакдир.

Лойиҳада деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш учун суғориладиган ерларда 0,35 гектар, лалмикор ерларда 0,5 гектар ер участкаси берилиши халқимизнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда асосий омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни пай усулига асосланган корхонанинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қабул қилиниши ҳам эътиборга моликдир. Чунки тупроқ унумдорлигини фақатгина ана шундай воситалар билан тиклаш мумкин. Лойиҳа билан танишиш жараёнида менда баъзи фикр ва мулоҳазалар ҳам уйғонди. Лойиҳанинг 1-модда иккинчи бандини қуйидагича ёзишни таклиф қиламан: «Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатини кўзлаб, тупроқларимиз унумдорлигини давлат ёрдамида қайта тиклаш ва унинг таркибини яхшилаш мақсадида ерлардан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва янада яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер муносабатларини тартибга солишда қонунчиликни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратишдан иборат».

Яна бир таклиф: лойиҳа матнида 19 марта такрорланган «тупроқ унумдорлигини асраш ва ошириш» иборасини «тупроқ унумдорлигини давлат ёрдамида қайта тиклаш» деб ўзгартириш лозим, деб ҳисоблайман.

**Қ. РОЗИҚОВ,**
**Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси.**

# АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ўқиб, мамлакатимизда мукаммал қонунлар мажмуи вужудга келаётганига амин бўлдим. Қишлоқда мулкдорлар сафини шакллантириш, тадбиркор деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишда мана шу каби қонунларга катта эҳтиёж туғилади. Чунки ҳали қишлоқда ислоҳотларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар талай эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Келинг, яхшиси лойиҳанинг ўзига мурожаат қилайлик. Масалан, лойиҳанинг 5-модда тўртинчи бандида: «Туман ҳокимининг деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори тумандаги иқтисодий, молиявий, банк тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир», деган жумла бор. Бу табиийки, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш жараёнидаги сансолорчиликка барҳам беради. Бизнингча, ана шу жумладаги «қарори» сўзи «қарорининг ижроси» деб тузатилса, лойиҳа янада мукаммаллашган бўларди.

Қонун лойиҳасида деҳқонга ер бериш, унинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари, ер ва сувдан фойдаланиш тартиблари ҳамда мерос каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Яна бир таклиф: лойиҳанинг 26-модда иккинчи бандида маъсул раҳбарлар жавобгарлиги янада аниқроқ акс этса.

**Қурбон ХЎЖАЕВ,**
**Қибрай туманидаги «Қурбон ота» хусусий деҳқон (фермер) хўжалиги раҳбари.**

# НУКУС МУЗЕЙИ МАЖМУИ – ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ОРАСИДАГИ АЛОҚАЛАР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Француз санъатшуносларининг фикрича, Нукус музейи асарларининг коллекцияси ўзининг бадиий бойлиги билан Санкт-Петербургдаги машҳур Рус Давлат музейидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек халқининг мамлакати маданий меросига бўлган катта эътибори туфайли ушбу ноёб асарлар тўплами жаҳон санъати хазинасига бебаҳо улуш бўлиб қўшилган.

Мазкур кўргазма ва каталог ташкилотчиларидан, Қуйи Нормандия минтақа кенгашининг раиси Рене Гарренкнинг таъкидлашича, эҳтиросли бир инсон туфайли ушбу санъат асарларининг мажмуи дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё санъати ҳамда миллий бойлигини асрашдек савоб ишга Игорь Савицкий бутун умрини бағишлаган. Ўзининг Ўзбекистондаги археологик изланишлари натижасида у эски ва янги, абстракт ва жонли, аниқ ва мавҳум, азоб-уқубат ва қувончларни акс эттирувчи асарларни бир жойга тўплади.

Аждодлар маданий меросининг бойлиги, рангтасвирлар сеҳри ва Ўзбекистон кенгликларининг осойишталиги, — дейди сўзининг охирида муаллиф, — ўша машаққатли йилларда рассомларга Эдем образини яратишга куч-ғайрат ато этди.

Таниқли франциялик санъатшунос Вероника Шильцнинг фикрича, — кўргазма ҳақиқатан ҳам катта воқеа бўлди ва у бутун бир даврни ўзида мужассам этди. Унинг ташкил этилиши Ўзбекистон ва Франция учун шарафдир. Зеро, Ўзбекистон нафақат қорақалпоқ археологияси ва этнографияси коллекциясидан, балки тарихий ва иқтисодий шароитларга қарамасдан сақланиб қолган XX аср санъатининг яхлит бир қиррасини дунёга таратган Нукус музейи мажмуидан фахрланса арзийди. Улар ўтмиш ва ҳозирги кунни боғлашга ва Марказий Осиё халқлар, тиллар ва маданиятларнинг бир-бирига уйғунлашиб кетган макон сифатида қаралишига замин яратади.

Ушбу бебаҳо асарларни сақлаб қолган Нукус Қизилқум саҳроларида, яъни юнон ва лотин манъбаларида келтирилган Окснинг Жайҳунга, кейинчалик унинг Амударёга айланган қадимий Хоразм ҳудудида барпо бўлган. Унинг аҳолиси акс эттирилган тасвирлар Персепол (қадимги эрон ахамонийлар сулоласи шохлари пойтахти — муал.) сарой барельефларида кўзга ташланади. Бу эрамиздан аввалги VI аср охирига, Парфенон (қадимги Юнонистон) фризларидаги Афина тасвирларидан кўп йиллар илгарига тўғри келади.

Тўпламдаги асарлар Ўзбекистон руҳини акс эттириб турибди: Хива, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарлар образлари жой олган, бу номларни эшитган кишилар орзулар хаёлига чўмади. Мароканд (Самарқанд) — қадимги Сўғд пойтахти, Искандар Зулқарнайн назари тушган бу юртда, Афросиёбда франциялик таниқли олим академик Поль Бернар изланишлар олиб бормоқда.

Франция ва Ўзбекистондек қадимий маданиятга эга мустақил давлатларнинг бир бўлаги бўлишдек кичик ватан ва фахр туйғуси географик жиҳатдан бир-бирига узоқ минтақаларда жойлашган Қуйи Нормандиядаги Кан шаҳри ва Қорақалпоғистоннинг Нукусини яқинлаштирмоқда.

Аммо ушбу кўргазма қанчалик катта бўлмасин, бир хил муҳитни акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, унда санъатнинг барча қирралари ўз аксини топган. Ўзбекистон шундай санъатни асраб уни бутун жаҳонга танитаётганидан, Қуйи Нормандия вилояти эса шундай шарафли миссияни бажараётганлигидан фахрланса арзийди.

Ушбу кўргазма бамисоли ўзбек карнайлари танталарининг бошланишидан дарак бергандек французларда Ўзбекистон тўғрисидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилувчи кўплаб маданий тадбирларнинг бошланишидан садо беради. 1555 йилда Кан шаҳрида туғилган буюк шоир Франсуа Малерб айтганидек: «Самараси гуллар ваъдасидан ҳам ўтиб кетади...»

Бироқ муаллиф таъкидлашича, юқоридаги сўзлар Кан шаҳри фарзанди Ф. Малербга тегишли бўлмай, балки ундан бутун бир аср аввал яшаб ўтган XV аср буюк ўзбек шоири «Ирода тоғни талқон қилишга қодир, аммо фақат санъатгина ўтмишни қайта тиклай олади» деб айтган беқиёс ғазаллар муаллифи Алишер Навоийга тегишлидир.

Машҳур санъатшунос маърузасини кўргазманинг қизил қумлар ичида йўқолиб кетишидан сақлаб қолишга ҳаракат қилган бу кимса ва бошқа барча ташкилотчиларга қарата соф ўзбек тилида «Сизга катта раҳмат!» — деб якунлади.

Франция матбуотининг таъкидлашича, музей асарлари кўргазмаси «Марказий Осиё санъатининг янги қирраларини» очиб беришга имкон берди. Жумладан, «Либерасьон» газетаси: «Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, кўп таниш бўлмаган рассомлар асарларининг намойиш этилиши, санъатдаги авангардизм услубига бўлган нуқтаи назарни ўзгартиришга имконият беради. Кўргазма бутун Франция маданий ҳаётида катта воқеа бўлди», — деб таъкидлади. «Ғарбда унча маълум бўлмаган мазкур коллекцияга қизиқиш шундан иборатки, у кенг жамоатчилик эътиборига Марказий Осиё санъатининг қачонлардир ажралиб қолган бир қатламини қайтаришга имкон беради. У хусусан, санъатнинг 30-йиллардаги парвози тўғрисидаги тасаввуримизни янада бойитади, — деб ёзади «Ля Манш Либр». — Ушбу асарларнинг Нукусда тўпланишининг ўзи рамзий маънога эга. Ўзбекистоннинг бу шаҳри ҳозир инсон томонидан ўйланмай қилинган ишлар оқибатини бошидан кечираётган Орол денгизининг экологик фожиаси марказига айланиб қолган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов эса мазкур экспозициянинг фалокат ёқасидаги ушбу минтақа аҳолиси тақдири ҳақида ўйлашга сабаб бўлишига умид билдирди».

Нормандияда чиқадиган «Либерте» газетаси «мазкур экспозиция кўп асрлик маданият хазинасидан баҳраманд бўлишга ва Ўзбекистоннинг анъанавий ва авангард тасвирий санъати доирасига уйғунлик билан жипслашган асарлар билан танишишга ёрдам беради», — деб таъкидлайди.

«Лагрикюльтюр Норман» газетаси ўқувчиларига Кан шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Франция Президенти Жак Ширак ҳомийлигида ўтказилаётган кўргазма Шарқнинг сирли ва романтик руҳи билан ошно бўлишга ёрдам бериши тўғрисида маълумот беради.

Шунга ўхшаш фикрларни инглиз тилида чиқувчи «Интернейшнл Геральд Трибюн» ҳам келтирган. Унинг ёзишича, - ушбу коллекция хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Ғарбда «жаҳон санъати орқали» Марказий Осиё тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконияти вужудга келди.

Газета Нукус музейи мажмуи ҳақиқатан ниҳоятда ажойиб ва уни бемалол XX аср бойлиги дейиш мумкин, деб эътироф этган Нью-Йорк университети профессори, санъатшунос Шарлотта Дуглас фикрини келтиради.

Хорижий матбуот ва санъатшунослар томонидан билдирилган кўплаб эътирофли баҳолар кўргазманинг муваффақияти тасодифий эмаслигидан гувоҳлик беради. Нукус музейи мажмуи санъатнинг сеҳрли кучи орқали уларнинг қалбларини забт этди, Ўзбекистон халқининг маданий бойлиги ва маънавиятининг янги қирраларини очишга имкон берди.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

## ДЕҲҚОНЛАР УЧУН ЯНГИ ТЕХНИКА

**"Бухороагромашсервис" ҳиссадорлик жамиятига қарашли таъмирлаш заводида чигитни плёнка остига экиш учун мўлжалланган сеялка ва қамрови етти метрли чизель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

— Вилоятимизнинг кўпгина хўжаликлари чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш ғоят самарали эканига ўтган йилги тажрибаларида ишонч ҳосил қилди, — деди мазкур жамият раиси Р. Ахтамов. — Жорий йилда эса бундай майдонлар янада кенгаяди. Шу боис, зарур сеялкаларни ўзимизда ишлаб чиқариш деҳқонларга ғоят қўл келади. Кенг қамровли чизель эса ерни юмшатишда унумдорликни қарийб икки баравар оширади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Жиззах Пластмасса заводида кунига қирқ тоннадан зиёд плёнка тайёрланадиган цех ишга туширилди. Бунинг учун зарур дастгоҳлар Тайвандан келтирилди. Натижада икки юзга яқин маҳаллий ёш иш билан таъминланди. Корхонага ҳозирдаёқ янги маҳсулот тайёрлаб бериш тўғрисида буюртмалар кела бошлади.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ТЎРТ КАЛИТИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ЎзТВни кузатган бўлсангиз, мажлисда айтилган ҳар бир фикр, алоҳида изоҳ, етарлича шарҳ талаб этади. Оддий, халқона тилда айтилган таклиф-мулоҳазалар замирида миллионлаб кишиларнинг тақдирига куюнчаклик ҳиссини туйиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Йиғинда таъкидландики, қишлоқ хўжалиги самараси қандай бўлса, деҳқон оиласининг моддий фаровонлиги шундай кечади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги қолоқ соҳа эканлиги, бу борада қайғурмаслик мумкин эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» лойиҳаси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)», «Фермерлар хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари кенг омма муҳокамасига қўйилганидан хабаримиз бор. Шу юртнинг келажаги учун дахлдорлик туйғуси шаклланган инсонлар муҳокамада фаол қатнашадилар, албатта. Зеро йиғинда Президентимиз масалани қатъий қилиб қўйдилар. Агар қонунлар қабул қилинса уларга ҳамма баб-баравар амал қилиши зарур. Яъни, қонунга итоат этиш ҳар кимнинг бурчи. Деҳқон ҳам, мансабдор ҳам, фермер ҳам, ҳоким ҳам уларга бир хил ёндошади. Янада очиқроқ гапирадиган бўлсак, умумманфаат, юрт равнақи, истиқлол барҳаётлиги ҳар биримизнинг мансабимиз, юзхотирчилигимиз, таниш-билишчилигимиздан устунроқдир. Имкони бор одам ишласин. Меҳнатининг ҳузурини кўрсин. Эл-юрт олдида юзи ёруғ, бола-чақаси қаршисида қадди тик турсин. Ер ишлаганни ёқтиради. Унга бағрини очади. Ризқини зиёда этиб беради.

Кимки қонунда кўрсатилган аъмолларга тўсқинлик қилса, уни четлаб ўтса, биз илгари сураётган ғоялар, давлат миқёсида муҳим муаммога айланиб турган қишлоқ хўжалиги ислоҳотлари илдамлашувига зиён етказади. Йўлбошчи очиқ қилиб, аччиқ ва таъсирли гапларни юракдан чиқариб айтди. Яъни, қонун қабул қилингандан кейин ўзбошимчалик ўтмайди. Ҳар ким қайси лавозимдалигидан қатъий назар унга амал қилиши шарт. Қонундан қўрқиб эмас, уни ҳурмат қилиб фаолият кўрсатиш керак. Ўз қадрига етганлар, инсоний қадр-қиммат тушунчасини англаганлар шу йўлни тутади ва дадил одим ташлайди. Агар бу тушунчани Давлат миқёсида таҳлил қилсак, бундай Давлат ҳуқуқий Давлатдир. Бугун бизда ана шу муштараклик етилса, истиқлол мустаҳкамлиги учун собит туражак Халқ шаклланаётгани сезилади.



Биласиз, жойлардаги раҳбарлар, ҳокимлар кун тартибидаги масалаларнинг моҳиятини тубдан англаши, яхши тушуниши, уларнинг ўзлари қонунни тўлиқ билишлари керак. Шундагина деҳқон оғринмайди, шундагина ер яшнайди, шундагина ҳозирча оқсаб турган қишлоқ хўжалигимиз гуркираб ўсади. Халқимизнинг дастурхонига тағинам қут-барака ёғилади.

Ислоҳотлар самараси фақатгина раҳбар ходимларга боғлиқ экан-да, деган хулоса чиқаришимиз ноўрин, албатта. Юртбошимиз қишлоқ хўжалиги муаммолари ечимини оддий, тушунарли қилиб изоҳладилар. Бунда ер тепасида турган деҳқон ва унинг оиласи ихчам ва лўнда қилиб тушунтирилди. **Аввало, бу соҳага боғланган ишчи ва деҳқон ўз меҳнати самараси учун жавобгарликни тушуниб етиши зарур. Иккинчидан, мулкка бўлган эгалик туйғуси ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан жой олиши лозим. Демак, биз бу ишга онгли муносабатда бўлиб, эскича қарашлардан қутулишимиз зарур. Учинчидан, деҳқонда хўжалик даромад олди, қўлимда пайим бор, шунга қараб улушимни оламан, деган дахлдорлик етила боргани яхши. Табиийки, девидендларнинг адолатли тақсимланишида жойларда ҳалоллик устувор бўлиши заруратдир. Тўртинчидан, деҳқон, меҳнатимга яраша даромад оламан, оиламни моддий жиҳатдан таъминлайман, тўлов оиламнинг эҳтиёжини тўла-тўкис қоплайди, фаравон яшаймиз,** деган ўй билан ишлаши керак. Оиланинг хотиржамлиги иш унумининг асосий нуқтасидир.

Бу фикрлар барчага тушунарли. Лўнда ва аниқ. Чунки уларнинг асосида халқнинг манфаати, юрт камолотининг ўзаги шаклланади. Биз истаётган ислоҳотлар ривожини тополадиган асосий **тўртта калит** шу. Улар бугун бизнинг қўлимизда. Шу тўрт калитни йўқотмасак кифоя. Тараққиёт эшиги бугун шу калитлар билан очилади.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТУРКМАНИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида мамлакат миллий байрами – Давлат байроғи ва Герби қабул қилинган кун муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Журналистлар ҳузурида сўзга чиққан Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Солтан Пирмуҳаммедов ана шу тарихий сананинг туркман халқи ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапирди. Жумладан, 19 февраль Туркманистонда Миллий байрам сифатида нишонланиши, шу куни Ашхободдаги Мустақиллик майдонида байрам тантаналари ва халқ сайли бўлиб ўтаётганлиги оммавий тадбирларда истиқлол йилларида Туркманистон эришган ютуқлар намойиш қилинаётганлиги ҳақида сўзлаб берилди. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**



*Мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш Самарқанд вилояти дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти фаолиятини янада жонлантириб юборди. Бугунги кунда Жомбой ва Оқтошдаги ун комбинатлари катта куч-қувват билан ишламоқда, бошқа қатор новвойхоналарга ҳам Германия ва Туркиянинг юксак сифатли автоматик линиялари ўрнатилди.*

*Ҳиссадорлик жамияти аҳлининг ўз шиори бор: «Халқ талаби– иш мезони». «Янги замон» ўзбек-америка қўшма корхонасининг ишга туширилиши ҳам ана шу эҳтиёж туфайлидир. Қўшма корхонада шарқ ширинликлари, оби нонлар, колбаса маҳсулотлари тайёрланади.*

*Яқинда бу ерда полипропилендан қоплар ҳам тайёрлана бошланди.*

***СУРАТЛАРДА: новвой Муҳаммад Жўраев Самарқанд озиқ-овқат технологияси коллежи талабаларига ўз тажрибаларини ўргатмоқда; ҳиссадорлик жамиятининг фирма дўконида.***

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



